QORAQALPOG‘ISTON RESPUBLIKASI MO‘YNOQ TUMANI HOKIMINING QARORI

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ MOYNAQ RAYONÍ HÁKIMINIŃ SHESHIMI

2021 йил «5» август 6-13-187-Q/21 Мўйноқ туман ҳокимлиги

Тумандаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларига йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Туман марказини кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракатланишида тирбандликлар юзага келишининг олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситалари ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Мўйноқ тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи А.Отегеновнинг ёзма мурожаатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 25-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 348-сонли қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарорига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Мўйноқ тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи А.Отегеновнинг 2021 йил 12 июльдаги 1423-сонли мурожаати қаноатлантирилсин.

2. Мўйноқ тумани 4Р-173 “Кўнғирод-Мўйноқ” автомобиль йўлининг 93 км оралиги туман хокимлиги иморатига кирар йули берк кўча булганлиги сабапли 3.2 «Харакатланиш таъқиқланган» хокимлик иморати томонидан чикишда 2.4 «Йул беринг» йул белгилари урнатилсин.

3. Мўйноқ тумани 4Р-173 “Кўнғирод-Мўйноқ” автомобиль йўлининг 93 км оралиги туман ички ишлар бўлими олдида 3.27 «Тухташ тақиқланган» йул

белгиси урнатилсин.

4. Мўйноқ тумани Йўллардан фойдаланиш давлат унитар корхонаси (Ю.Ерназаров)га асосан мазкур қарорнинг иловасида кўрсатилган автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатишга рухсат берилсин.

5. Мўйноқ туман Ички ишлар бўлими (А.Отегенов)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилишини ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. Қарор матни тумандаги **“Арал балықшысы”** газетаси саҳифасида чоп этилсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради.

8. Ушбу карор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари К.Батырбаев зиммасига юклансин.

Район ҳәкими **Е.Еденбаев**

Мўйноқ туман ҳокимининг
2021 йил 5 августдаги
6-13-187-Q/21-сон қарорига
1-илова

Тумандаги йўл белгилари ўрнатиладиган давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари ҳудудлари

РЎЙХАТИ

№	Автомобиль йўли хос рақами ва номи	Кўча номи	Йўл белиси ўрнатиладиган ҳудуд	Йўл белгиси рақами ва номи
1.	4Р-173 “Қўнғирод-Мўйноқ” автомобил йўлининг 93 км оралиғи	Ажинияз кўчаси	Ажинияз кўчаси (Мўйнок туман хокимлиги)	3.2 «Харакатланиш таъқиқланган» ва 2.4 «Йул беринг»
2.			Ажинияз кўчаси (Мўйнок туман ИИБ)	3.27 “Тўхташ тақиқланган”